



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

14 январь — Ватан
ҳимоячилари кун



АРМИЯМИЗ — ОСОЙИШТАЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ПОСБОНИ

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2013 йил 20 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муҳим ҳарбий хизматга навбатдаги қабули ҳамда белгиланган хизмат муҳлатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервга бўшатиш тўғрисида» Қарорига мувофиқ ёшларни ҳарбий хизматга саралаш жараёни бошланди. Ҳарбий хизматга олинган йигитлар тиббий кўрик ва синовлардан ўтмоқда.

Миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш — шарафли иш. Аскарлик — баркамоллик белгиси. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Фақат жисмоний машқларда чиниққан, маънавий ва интеллектуал жиҳатдан камолга етган йигитларгина ҳарбий форма кия олади.

Собиқ тузум даврида юртимиз ўғлонлари ўз тупроғи қолиб, узоқ ўлкаларда хизмат қилар эди. Бу турли миллатга мансуб йигитларни жипслаштириш, деб оламга жар солинса-да, аслида ҳаётда мутлақо акси эди. Масалан, Мар-

казий Осиёдан борган аскарлар асосан қурилиш батальонларига, оғир ишларга жалб этилар, уларга бепасанд назар билан, «иккинчи сорт одамлар» сифатида қаралар эди.

Ҳарбий хизматдаги носоғлом муҳит оқибатида қанча йигитлар жувонмарг кетгани ёки уйига майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини кўпчилик изтироб билан эслайди. Биргина 1989 йилнинг ўзида, тинчлик даврида, 430 нафар ўзбекистонлик аскарнинг ноубуд бўлгани бунинг далилидир. Уша пайтларда ота-оналар фарзандларини

армиядан олиб қолишга ҳаракат қилгани, жунатса ҳам, йиғи-сиғи, хавотир билан кузатгани беиз эмас.

Мустақиллик шарофати билан халқимиз тинчлик-хотиржамликка, рўшноликка эришди. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий армиямиз ташкил этилиб, ғам-андуҳлар, ҳадик ва хавотирлар ариди. Энди Ўзбекистон ўғлонлари ўз юртида, ўз юртига, ўз халқига, ўз Президентига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари мамлакатимиз сарҳадлари ва халқимиз осойишталиги ҳимоясида собит. Ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак маданият қарор топган. Миллий армиямиз сафига хизмат қилаётган йигитлар жисмонан соғлом ва бақувват, юксак интеллектуал салоҳиятга эга бўлиб етишмоқда. Шу боис ёшларимиз орасида армияда хизмат қилишга қизиқиш ва иштило тобора кучайиб бораётди.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН — ЯПОНИЯНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ СЕВИМЛИ МАМЛАКАТИ»

Японияда чоп этиладиган «Yomiuri Shimbun» газетасида ана шундай сарлавҳа остида Ўзбекистонга бағишланган мақола эълон қилинди. Унда муаллиф, сиёсий шарҳловчи Т. Дегучи ўзининг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини кўп сонли ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола қилган:

«Ўзбекистон пойтахтининг марказида Алишер Навоий номи театр қарор топан бўлиб, мазкур театр биносининг барпо этилишида японлар иштирок этган. 1947 йили қурилган ушбу иншоот 1966 йили рўй берган кучли зилзилага бардош берган. Бу ўзбек халқи томонидан япон технологиясига ҳамда ҳар бир ишга масъулият билан ёндашишга юқори баҳо берилишининг сабабларидан бири ҳисобланади.

Театр биносининг чап деворидаги лавҳада қуйидаги ёзуви ўқишнинг мумкин: «Ушбу театр қурилишида япон халқининг ўғлонлари қатнашган ва унга катта ҳисса қўшилишган».

«Япон халқининг ўғлонлари» деганда иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг республикага келтирилган япон ҳарбий асирларини тушунмоқ керак. Мамлакат мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг Президент Ислоҳ Каримов кўрсатмасига биноан, ушбу маълумот ёзилган ёдгорлик тахтачасидаги «япон ҳарбий асирлари» сўзлари ўзгартирилди, чунки Ўзбекистон Япония билан ҳеч қачон урушмаган.

Япония парламенти Юқори палатаси бюджет қўмитасининг 2013 йил 13 май кунини бўлиб ўтган йиғилишида Бош вазир Ўринбосари Таро Асо депутатларга мазкур театр ҳақида сўзлаб берди. У, шунингдек, Ўзбекистонда япон халқининг тиришқоқлиги ҳақидаги маълумот авлодлардан авлодларга ўтиб келаётганини ҳам қайд этди.

Марказий Осиёда жойлашган беш мамлакат, жумладан, Япония учун муҳим бўлган Ўзбекистон минтақавий ҳамкорликка асосланган ҳолда ўзларининг иқтисодий тараққиётини қуриб келишмоқдаки, улар мазкур жараёнда Японияни муҳим шерик деб ҳисоблашади. 2014 йилнинг ёзида Марказий Осиё мамлакатлари ва Япония ташқи ишлар вазирларининг йиғилишини ўтказиш режалаштирилмоқда. Ўтган йилнинг октябридан буён олдинда турган ушбу тадбир юзасидан масалаларнинг амалий даражадаги муҳокамаси бормоқда.

Япония ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, авлодларимизнинг серғайратлиги туфайли Ўзбекистон ҳаққоний равишда японияликлар учун сеvimли мамлакатга айланган. Бош вазир Ш.Абэ томонидан эълон қилинган «глобал микёсдаги дипломатия» нуқтаи назаридан ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари билан муносабатларини мустаҳкамлаш Япония учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича аниқ-равшан чора-тадбирлар қабул қилинган ҳолда Марказий Осиё йўналишида бундан кейин ташланадиган қадамларга эътибор қаратиш зарур эканлигини яна бир бор тасдиқлайди».

«Жаҳон» АА
Токио



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилоятида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан турли тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Вилоят марказида бўлиб ўтган ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ҳам шу мавзуга бағишланди. Бухоро вилояти ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган фестивалда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, чегара ҳудудларидаги маҳаллаларда яшайдиган ёшлар иштирок этди.

● Сурхондарё вилоятининг Кумкўрғон туманидаги «Анвар-Элдорбек» кўп тармоқли хусусий фирмаси ўсимликлардан истеъмол ёғи ишлаб чиқарадиган янги корхона ишга туширди. Замоनावий хориж ускуналари билан жиҳозланган, ўттиз бир нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган мазкур корхона бир кунда турли ўсимликлардан 50 тонна сифатли ёғ ишлаб чиқариш қувватига эга.

● Жиззах шаҳрида «Намунали милиция таянч пункти» республика кўрик-танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танлов якунларига кўра, Жиззах туманининг «Учтепа» қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган 133-милиция таянч пункти биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат босқичига йўлланма олди.

● Андижон вилоятининг Андижон туманидаги Хакан қишлоғида «Хакан-шифо» хусусий даволаш маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Терапия, неврология, кардиология, физиотерапия каби бўлимлардан иборат шифохонадаги замонавий анжомлар, УЗИ, ЭКГ аппаратлари турли хасталикларни олдиндан аниқлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

● Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд шаҳар Кенгаши тизимидаги бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирокида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари ижросига бағишланган семинар бўлиб ўтди.



● Чили шимолида 5,8 балли кучга эга ер силқиниши юз берди. Зилзила Икике шаҳридан юз километр жанууби-шарқда қайд этилган бўлиб, ҳозирча табиий офат натижасида юзага келган вайроналар ва қурбонлар ҳақида маълумот йўқ.

● Москвада ўз автомобилида қиймати бир ярим миллион долларлик героин гиёҳвандлик моддасини олиб кетаяётган шахс қўлга олинди.

● АҚШнинг ўрта ғарбий қисми аҳолиси рекорд даражадаги совуққа тайёрланишга даъват этилмоқда. Гап шундаки, метеорологларнинг маълумотларига кўра, кучли совуқ шамол эсаётганлиги туфайли ушбу ҳудудда ҳарорат Цельсий шкаласи бўйича — 50 даражага пасайиб кетиши мумкин.

● Суматрадаги Синабун вулканининг отилиши кучайиб бормоқда. Шу боис Индонезия маъмурияти қутилганидан кучлироқ бўлган янги вулкон отилишидан сўнг мамлакат ғарбидаги фаол вулкон атрофидаги хавфли ҳудудни янада кенгайтирди.

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ КАТТА ЮТУҒИ

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун арафасида ЎзА мухбири мамлакатимизда қарор топган тинчлик-осойишталик, миллатларaro тотувлик муҳитининг аҳамияти, бунда миллий армиямиз ҳамда жамоатчилигимизнинг тутган ўрни ҳақида чет эллик экспертлар ва сайёҳлар билан суҳбатлашди.

Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, «Глобал илмий нашрлар» маркази директори (АҚШ):

— Ўзбекистонда истиқлол йилларида тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, миллатларaro тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар бераётган юксак самаралар ҳар қандай одамнинг ҳавасини келтиради.

Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсат юритмоқда. Бошқа давлатлар билан тенглик ва манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш, дунё микёсида тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш тарафдори бўлиб келмоқда. Бу тамойилларга қатъий содиқлиги туфайли мамлакатингизда тинчлик-осойишталик таъминланмоқда. Демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, бозор иқтисодиётини ривожлантириш йўлидаги изчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда. Мамлакатингизда ҳукм сураётган барқарорлик Ўзбекистон халқининг, тинчлик посбонларининг энг катта ютуғидир.

Анубҳав КАЧРУ, тадбиркор (Ҳиндистон):

— Бугунги кунда дунёда кузатилаётган қалтис вазият, айрим давлатлардаги низо ва қарама-қаршиликлар, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик халқаро бизнесга ҳам катта путур етказмоқда. Ишбилармонлар

фақат тинчлик-осойишталик кафолатланган, қулай бизнес муҳити яратилган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон ана шундай мамлакатлардандир. Биз ҳам юртингизда узоқ йилларга мўлжалланган бизнес очганимиз. Зеро, Ўзбекистон халқи — тинчликсевар халқ. Мамлакатингиз Қуролли Кучлари тинч ва осуда ҳаётингизни ҳимоя қилишининг мустаҳкам таянчидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон мудофиа тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилиб, сарҳадларингиз дахлсизлигини таъминлашга қодир замонавий ва профессионал армия шакллантирилди. Ўзбекистон ёшлари миллий армия хизматида танлов асосида қабул қилинишини эшитиб, лол қолдим. Бу миллий армиянгизда хизмат қилишнинг нуфузи нақадар баландлигидан далолатдир.

Стефано МОРРИТТ, тарих фани ўқитувчиси (Италия):

— Яқинда Ўзбекистонда Ватан ҳимоячилари кун умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Бунга ҳавас қилмай бўладими?!

Собиқ тузум даврида ўзбекистонлик йигитлар узоқ ўлкаларда, ғайриинсоний шарт-шароитларда хизмат қилганини, қанчаси ҳалок бўлиб, яна қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қолганини биз, тарихчилар ҳам энди-энди биламиз. Совет замонида бундай фожиали воқеалар ҳақида лом-мим дейилмасди.

(Давоми 2-бетда)

Ёш авлод тарбияси, уларнинг дунёвий билимларни чуқур эгаллашлари масаласига юртимизда алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Бинобарин, Ўзбекистонда йигит-қизларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида тахсил олишлари, юксак маънавиятли, юқори малакали кадр бўлиб шаклланишлари йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Олий ўқув юртларида

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Шу билан бир қаторда иқтидорли ёшларнинг чет эллардаги нуфузли ўқув юртларида таълим олишларини таъминлаш масалаларига ҳам катта аҳамият қаратилади.

Маълумки, ҳар қандай мамлакатнинг келажаги, иқтисодий салоҳияти, албатта ёшлар иқтидори ва уларнинг интилишлари билан боғлиқ. Бунинг учун Тошкент Фармацевтика институти талаба-ёшлари тинмай изланмоқдалар, ўз устидарида ишлаб, ўқиб ўрганмоқдалар.

Институтда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қасба уюшмаси, «Устоз-шогирд» кенгаши, «Қамолот» ЁИХ бошланғич тақлимоти ҳамда маънавият ва маърифат бўлими ҳамкорлигида бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ҳар ўқув йилида институт раҳбарияти, маънавият ва маърифат бўлими ташаббуси билан аъло баҳолаб ўқитган иқтидорли талаба-ёшларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида «Дори-дармон» АҚ томонидан таъсис этилган стипендиялар талабаларга бериб борилади. Бундай эътибор талаба-ёшларни ўқитишга, изланишга бўлган қизиқишларини оширади ва билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳар ўқув йилида талаба-ёшларнинг ёзги таътил вақтида бўш вақтларини унумли ва мазмунли ташкил этиш борасида «Бунёдкор» меҳнат отряди ташкил этилади. Институт талаба-ёшларидан тузилган «Бунёдкор» меҳнат отряди томонидан ободонлаштириш, кўламазорлаштириш, бунёдкорлик ишлари амалга оширилади ва ёшлар моддий томондан қўллаб-қувватланади.

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига она юртга муҳаббат, Истиқлолга садоқат туйғуларини чуқур сингдириш масаласи бугунги кунда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу боис «Ватанпарварлик ўлка тарихини ўрганишдан бошланади» шиори остида талабаларнинг тарихий жойларга саёҳатларини уюштириш мақсадида ҳар ойда бир мартаба ўтказилиб келинаётган «Маънавият кун»ларида, турли маънавий-маърифий тадбирлар давомида ҳамда ҳар ўқув йилида институтда тах-



сил олаётган иқтидорли талаба-ёшларни, мураббийларни, ходимларни қадимий обидалар, қадамжолар, яъни, Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари шаҳарларга саёҳатлари ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, қайси ерда илм-маърифат кучли бўлса, ўша ер бахт ва маънавият маскани ҳисобланади. Гўзал ҳулқ билан пайваста бўлган илм одамларни бахтиёр қилади, мартабасини баландлатади.

Илмдан мақсад эса фойдали ва эзгу ишларни амалга оширишдир. Бу йўлда тинимсиз изланишда, ҳаракатда бўлган ёшлар шубҳасиз, қўзланган мақсадларига эришади.

Президентимиз эътироф этганларидек, «... инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, ота-оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот — ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз». Дарҳақиқат, таълим-тарбия ҳақида фикр юритганимизда аввало устозларимиздан сўз бошлаймиз, бу нафақат уларга бўлган ҳурмат, эътиборимиз, балки уларнинг заҳматли меҳнатларини қадрлаш ҳам демакдир. Истеъдодли ёшларни тарбиялаш йўлида институт устозларининг ўз ўрни бор албатта. Киши қалбига илм ва маърифат нурларини олиб киришда, ҳаётда муносиб ўрнини топишда уларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. Институтда юқори малакали кадрларни тайёрлашда, ёшларнинг миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашда фаол меҳнат қилаётган устозларимизнинг борлиги кишини қувонтиради. Мана шундай устозларимиздан С.Аминов, О.Шобилов, Х.Комилов, Ф.Урманова, Н.Олимов, К.Чўлпон, Л.Бозорова, С.Қодирова, Н.Суюндиқов, А.Нурмухамедовлар ёшларга сабоқ бериб, уларнинг билим ва тажрибаларининг кенгайтиришда астойдил меҳнат қилиб келмоқдалар. Қачонки, шогирдларга, талабаларга устозлар меҳри, эътибори, ғамхўрлиги бор экан, уларнинг интилишлари, изланишлари, иқтидорлари бўйи кўрсатади. Пировардида эса бундан жамият ҳам, одамлар ҳам наф қўради.

Халқимизда «Одам моли билан эмас, қамол билан кўркам» деган нақл бор. Бинобарин, инсон ўз умрини мазмунли ва серфайз ўтказиш учун аввало ўзини ҳаракат турган борлиқни англай билиши, юксак ақл ва тажриба эгаси бўлиши даркор. Бунинг учун эса ёшларимизнинг илм олишлари, ҳунар эгаллашлари зарур. Халқимиз илмининг куч-қудрати нақадар буюк эканлигини асрлар оша ўз ҳаёт тажрибасидан ўтказиб келган.

Давримиз шижоаткор. Ёшларимиз эса даврдан-да ғайратли. Шундай экан, уларнинг билим ва иқтидорларига ишонмоқ ва кўмаклашмоқ керак. Олинган тарбия ва илм йиллар ўтиб, тажрибага эга бўлган мутахассислар қуролига ва ҳаёт шиориға айланар экан, кўпга кўмак берса ажаб эмас.

Комилжон Чўлпон, Тошкент Фармацевтика институтининг маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича проректори

ИЧИМЛИК СУВИ СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2013-2015 йилларга мўлжалланган сув таъминоти ва канализация тизимини комплекс тарзда янада ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар электр энергияси ва ичимлик суви сарфини камайтиришга ёрдам бермоқда.

«Сувсоз» давлат унитар корхонаси пойтахтимизнинг сув билан узлуксиз таъминлаш, sanoat ва маиший оқова сувни сифатли тозалаш билан шуғулланади.

Истеъмолчиларга сифатли ичимлик суви етказиб бериш мурракб жараён бўлиб, кўп ресурс ва сув таъминоти тизимининг минглаб мутахассисларидан самарали меҳнат қилишни талаб қилади, — дейди «Сувсоз» давлат унитар корхонаси раҳбари И.Маҳаматов. — Жамоада меҳнат қилаётган 4,5 мингдан зиёд юқори малакали мутахассис йirik сув чиқариш иншоотлари, сув тақсимлаш тармоқлари, насос станциялари, сув узатиш қурулти, канализация тозалаш иншоотлари, сув тортиш станциялари, канализация коллекторларига хизмат кўрсатмоқда. Мазкур тизим ягона механизм сифатида ишлади. Бинобарин, ҳар бир участканинг самарали ишлаши муҳим аҳамиятга эга. Тошкентдеги йirik шаҳарда ҳар кун кўп миқдорда тоза ичимлик суви истеъмол қилинади. Шаҳар кунига 2 миллион 326 минг куб метр сув етказиб бериш қувватига эга етти та сув чиқариш иншооти ёрдамида сув билан таъминланмоқда. Етказиб берилаётган сувнинг катта қисми Бўзсув каналидан олинади.

Айни пайтда пойтахтимиз сув қурулти тармоғининг узунлиги 3600 километрдан ортади. Шу боис арзимас носозлик ҳам сув етказиб беришда узок муддат узилишга олиб келиши мумкин. Тошкент шаҳри сув таъминоти тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тақомиллаштириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, ичимлик суви билан узлуксиз

Тошкент шаҳрида сув таъминоти тизими модернизация қилиниб, энергия тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилмоқда. Хусусан, эскирган насос ускуналари энергияни иқтисод қилидиган замонавий ускуналар билан алмаштириляётир. Бу энергия истеъмоли ҳажминини камайтиришдан ташқари сув босимини ошириш имконини ҳам беради.

таъминлаш, корхоналарнинг молиявий аҳолини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Европа тиклиниш ва тараққиёт банки ўртасида тузилган шартнома доирасида қиймати 10 миллион долларлик «Тошкент шаҳрининг сув таъминоти тизимини тақомиллаштириш» инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа доирасида учта йirik сув етказиб бериш иншооти реконструкция қилиниб, эскирган ускуналар энергия тежайдиган замонавий ускуналар билан алмаштирилди. Қодирий сув ўтказиш иншооти, Қибрай сув чиқариш иншооти ва Бўзсув сув ўтказиш иншоотларида янги насослар ўрнатилди. 2013 йилда «Грундфос» компаниясида ишлаб чиқарилган энергия тежайдиган янги 22 насос агрегати ўрнатилди. Айни пайтда ушбу русумдаги 94 насос пойтахтимиз сув таъминоти тизимида узлуксиз ишлаб турибди. Бу эса энергия истеъмолини камайтириб, истеъмолчиларга етказиб берилаётган сув сифатини яхшилаш, жорий таъмирлаш сарф-харажатларини қисқартириш имконини бераётир.

Сув таъминоти узлуксизлигини таъминлаш ва унинг босимини туну кун бир маромда ушлаб туриш аҳолига сув таъминоти бўйича кўрсатилган хизмат сифатининг муҳим мезонларидан биридир. Бунинг учун шаҳарга хизмат кўрсатадиган гидроиншоотларда узлуксиз сув етказиб беришни ишончли таъминлашга қодир замонавий ускуналар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июнда қабул қилинган «Тошкент шаҳрининг ичимлик сув таъминоти ва сув оқова тизимига замонавий энергия тежайдиган технологияларни татбиқ қилиш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори

асосида «Сувсоз» давлат унитар корхонаси томонидан умумий қиймати 3,5 миллион еврога тенг 239 донна насос ускунаси харид қилиш учун «Грундфос» компанияси билан шартнома тузилган. Бундан ташқари, 2013 йилдан қурулти тармоғининг санация услуби, релейнинг, чангпуркаш услублари каби замонавий технологиялар босқичма-босқич жорий этилмоқда. Масалан, Чилонзор тумани сув қурулти санация услуби ёрдамида капитал таъмирланган. Бу услубдан Мирзо Улуғбек туманида ҳам фойдаланиш режалаштириляётир.

Шаҳарнинг санитария-техник ҳолатига маълум даражада таъсир кўрсатаётган sanoat ва маиший оқова сувларни сифатли тозалаш ҳам сув таъминоти соҳасидаги муҳим вазифалардандир.

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2010 йил 16 декабрда қабул қилинган «Ислоҳ тараққиёт банки иштирокида «Тошкент шаҳрининг канализация тизимини тақомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ учта канализация тозалаш иншооти реконструкция қилиниб, эскирган ускуналар алмаштирилмоқда, Қорақамиш коллектори барпо этилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 38,85 миллион долларни ташкил қилади. Бу борадаги ишларни 2014 йилда ниҳоясига етказиш режалаштириляётир. Натижада канализация тизимига улашни сони кўпаяди.

Тошкент шаҳрининг сув таъминоти тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражасини ошириш, сув ва энергетика ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири

Мамлакатимизнинг барча жойларида «Ҳаракат хавфсизлиги ойлуги» муносабати билан тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

«Қамолот»

ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ДАВРА СУҲБАТИ

Худди шундай тадбирлардан бири Чилонзор туманида бўлиб ўтди. «Қамолот» ЁИХ, «Ватанпарвар» ташкилотининг туман бўлимлари, ички ишлар бўлими, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир «Йўлларда ҳаракатланиш маданиятини ошириш, автохалокатларнинг олдини олиш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш барча-қамолотнинг фуқаролик бурчимиздир» мавзусига бағишланди.

Унда тумандаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг «Қамолот» ЁИХ бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда «Қамолот» болалар ташкилот сардорлари иштирок этди.

Давра суҳбати давомида сўзга чиққанлар томонидан вояга етмаган ёшларнинг таълим муассасаларига келиш ҳамда дарсдан сўнг йўлларда кетиш пайтида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилишлари, йўлларни кесиб ўтишда пиёдалар йўлқўларидан доимий фойдаланишлари зарурлиги, жамоат транспортларидан ҳам ўрнатилган тартибда фойдаланишлари лозимлиги ҳақида батафсил маълумот берилди.

Ҳайратлики, бугунги тақдир этилган давра суҳбати ёшларимизни ҳушёрликка чақиради, — дейди «Қамолот» ЁИХнинг Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвуддинов. — Бундай тадбирларнинг ўтказилиши ёшларга йўлларда ҳаракатланишда масъулиятни ҳис қилиш, ўзининг ва бошқаларнинг

ҳаётини хавфга қўймакликда, автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишига ноқулайликлар туғдирмасликларида амалий ёрдам беради. Шунингдек, бугунги тадбиримизнинг яна бир аҳамиятли жиҳати — етакчиларнинг иштирокидир. Улар бевосита мулоқот тафсилотларини бошқа кўплаб ёшларимизга етказиб берилади.

Давра суҳбати давомида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари сўзга чиқиб, 2013 йилда болалар билан боғлиқ бўлган йўл ҳаракати ҳодисалари, юзга келган одамларнинг тан жароҳат олган ёшлар тўғрисида батафсил маълумот бериб, йўлларда пиёдаларнинг ва-зифалари, йўл ости йўлларидан фойдаланиш қоидалари, қўл ҳолларда ёшлар билан бир қаторда катталар ҳам йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузиб ўз ҳаётларини хавфга солиб қўйишга гангликларини таъкидлаб ўтишди.

Айтиш жоизки, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда энг аввало ёши катталар ва ота-оналарнинг фаол иштироки катта аҳамият касб этади. Фарзандларимизни ҳаракатланиш қоидаларига риоя қилишга ўргатиш, ёш ҳайдовчиларимиз онгига транспорт воситаларини бошқаришда эҳтиёткор бўлишлари, тезликни ҳаддан ташқари ошириш натижасида автохалокатлар рўй бериши мумкин бўлишини сингдириш зарур. Ана шундангина болалар билан боғлиқ автохалокатлар сони кескин камайди.

Ҳабиба ЙЎЛДШЕВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Тақдир биносини ҳар ким ўзи куради.

Шаклланиб бўлган кишини ўзгартириб бўлмайди.

Аламзадага бутун олам душман.

Сабри йўқнинг қадри йўқ.

Ақлинг киргунча умринг ўтади.

Нолигандан ҳамма безор.

Ёлғизнинг ҳаётида файз йўқ.

Муттасил меҳнатсиз ҳеч нима рўёбга чиқмайди.

Ўғирланган молни сотиб олган ҳам ўғрилиққа шерик.

Нодоннинг ўзидан кўра бошқаларга зиёни кўпроқ.

Бор нарса хор, йўқ нарса азиз.

Бекорчиликдан ҳар турли касаллик урчийди.

Тақдир ҳам кимни сийлайди, кимни қийнайди.

Ўзини мажбур қилмаган ҳеч нимага эришмайди.

Қадрланмаган меҳнат кўнгилни совутади.

Ақлни қайси мақсадга хизмат қилдириш кишининг табиатиға боғлиқ.

Чоҳга кулаш осон, юксакликка чиқиш қийин.

Сабр қилсанг, ҳар қандай мустаҳкам темир эшиқлар ҳам очилади.

Иродаси заиф кишини синдириш осон.

Орзулар рўёбига бир умр ҳам камлик қилади.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО» CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бериш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Савдога Шайхонтоҳур туман СИБ томонидан: ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2006 йил 6 мартдаги ЖСК-1-88/2006-сонли иқро ҳужжатиға асосан, Тошкент вилояти Қибрай тумани, «Дала ҳовличилар» ҳудудига жойлашган пешайвон (тераса), ертўла, айвон, шийпон (беседка), бассейн ва ёғи ошқоналаридан иборат 67-сонли дала ҳовли тақоран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 114 753 892 сўм 50 тинин.**

Савдо 2014 йил 27 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2014 йил 24 январь кун соат 18:00. Кўчмас мулк билан тегишли сўм иқрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатла пулини, тўлов ҳужжатида иқро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko» chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон Ф-дига 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Спорт янгиликлари

ЁШЛАР ОСИЁ
ЧЕМПИОНАТИДА
БЕЛЛАШАДИ

Шу йилнинг 11-26 январь кунлари Уммон давлатида футбол бўйича ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати мусобақалари бўлиб ўтади.

Осиё қитъасидаги ушбу катта футбол байрами Уммондаги «Sulton Qaboos», «Seeb Sports» ва «Royal Oman Police» стадионларида ўтказилади. Беллашувларга 11 январь кун «А» ва «В» гуруҳларидаги тўртта учрашув билан старт берилади.

Маълумки, мазкур мусобақаларда Шухрат Махсудов бош мураббийлигидаги йигирма икки ёшгача бўлган Ўзбекистон (U-22) терма жамоаси футболчилари иштирок этади.

Uff.uz футбол сайтининг хабарига кўра, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатини 12 январь кун Хитойга қарши ўйин билан бошлайди.

«Туркистон-пресс»

Кейинги йилларда барча спорт турлари қатори «ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш шахматнинг серқўш диёримиз ёшлари орасида тобора оммалашиб бораётганлиги сир эмас.

ТОШКЕНТ —
ХАЛҚАРО ТУРНИР
МЕЗБОНИ

Буни ёшлар, ўсмирлар, болалар ўртасида халқаро миқёсда шахмат бўйича ўтказилаётган халқаро турнирларда ҳамюртларимиз томонидан қўлга киритилаётган ажойиб ғалабалар, совринлар яққол исботлаб турибди.

Шу боис ҳам кейинги йилларда юртимиз, хусусан, пойтахтимиз Тошкентда шахмат бўйича кўплаб халқаро турнирлар ўтказилмоқда.

Янги 2014 йилда ҳам Тошкентда шахмат бўйича 8-12 ёшли болалар, қизлар, ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати уюштирилади. Ёз фаслининг илк ойдада ўтказилиши режалаштирилган китъа биринчилигида юртимиз шарафини Осиё ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритган бир гуруҳ ёш шахматчиларимиз ҳимоя қилишади.

Маълумки, тумов юқори нафас йўлларидаги шамоллаши билан боғлиқ бўлади: одам ётганида бирор жойи очилиб қолиши, елвизак таъсирга учраши, намланган оёқ билан юриш, қўйингичи, совуттичдан бирор нарсани, масалан музқаймоқни истеъмол қилиш ҳам шамоллаш билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқишига омилкорлик қилади.

Тумов бўлган кишининг дастлаб акса уриш, томоқ қирилиши, бурун оқиши, бошининг изтиробли оғриши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби ҳоллар рўёбга чиқиши билан бирга, гоҳо кўз мижжаларининг қисилиб оғриши, мия гангиши бўлиши ҳам кузатилиши мумкин. Тумов, шу жумладан гриппда ҳам кишининг мадори кетиб, ҳолсизланади, иштаха йўқолиб, ўйку қочини ҳоллари ҳам юз беради.

Шамоллашнинг дастлабки белгиларидаёқ, беморни холироқ хонага ётқизиб, яхшилаб ўраб қўйиш ва зудлик билан шифокорни чақиртириш керак. Фақатгина шифокоргина беморни атрофича кузатиб чиққанидан кейин жиддий қарорга келиб, унинг қайси касаллик билан касалланганини белгилайди. Беморнинг ёши, ҳолати ва касалликнинг турини инобатга олиб у ёки бу дори ёки муолажаларни тавсия қилиши мумкин. Шунинг учун ҳам шамоллашнинг барча кўринишларида хох у тумовни, грипп, зотилжам, миллак, бронхит бўлсин, фақат шифокор буюрган дори-дармонлардан маълум тартибда фойдаланиш керак.

Шуни эсда тутиш лозимки, ҳозирги замон даволовчи муассасаларида, шунингдек, дорихоналар захираларида турли-туман, самарали таъсир кўрсатувчи кимёотерапевтик дори-дармонлар бор. Турфа ном билан аталувчи антибиотиклар, сульфаниламид препаратлар, алкалоид ҳосилалардан ташкил топган, шифо ато қилувчи доривор омиллар мавжуд. Шифокорнинг тавсиясисиз ўзбошимчалик билан, шунингдек, бошқаларнинг тавсияси орқали дори препаратларини ичмаслик даркор. Акс ҳолда, «қош қўман деб, кўз чиқариш» мумкин. Маълумки, анти-

биотиклар одам организмга тушган, ичак йўлидаги фойдали микрофлораларни «қақшатиши», замонавий тиб атамаси билан айтганда, дезбактериоз дорига олиб келиши мумкин. Баъзи дори турлари ўз ўрнида ишлатилмаса, нозик аъзоларда тош ҳосил қилиши, жигар озор топиши, баданга тошмалар тоши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

да тайёрланадиган халқона дори-дармонлар жонингизга оро беради. Қайнатилган картошка туғанга ва қайин, қарагай қуртакларини қайнатиб туриб, буғини нафас йўлига йўлатиш (бунинг учун бошни буркаб оғиз тўғриланади) бурун бўшлиғи йўлининг очилишига, эркин нафас олишга, балғамнинг енгил кўчиши-

ТАЙЁРГАРЛИК
МАШҒУЛОТЛАРИ
БОШЛАНАДИ

Жорий йилги футбол мавсумида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё чемпионатида тайёргарлик кўради.

Яқиндагина Ўзбекистон футбол федерацияси терма жамоалар маркази томонидан миллий терма жамоамизнинг тайёргарлик режаси эълон қилинди.

Унга кўра Миржало Қосимов шогирдлари ўқув-машғулот йиғинларини февраль ойидан бошлашади. Март ойига қадар давом этадиган тайёргарликнинг дастлабки босқичида футболчиларнинг жисмоний, руҳий имкониятларига жиддий эътибор қаратилади. Машғулотлар доирасида бошқа терма жамоа билан назорат-ўртоқлик учрашуви ташкил этилади. Март ойида эса

миллий терма жамоамиз БАА терма жамоаси билан Тошкентда Осиё чемпионатида саралаш турнири гуруҳ баҳсида беллашади.

Шуниси эътиборлики, йил охирига қадар бир неча марта уюштирилаётган ўқув-машғулот йиғинларида миллий терма жамоамиз аъзолари хорижга сафар уюштирилади. Энг муҳими, йил якунига қадар Миржало Қосимов шогирдлари олти марта бошқа терма жамоалар билан назорат-ўртоқлик баҳсларида маҳоратларини синовдан ўтказишади.

«ЛОКОМОТИВ» ФУТБОЛЧИЛАРИ БААДА

Ўтган йилги футбол мавсумида профессионал футбол лигаси жамоалари орасида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаллар билан тақдирланган «Локомотив» жамоаси аъзолари айни кунларда БААда.

Гап шундаки, бошланаётган мамлакат XXIII миллий чемпионатида темирйўлчилар жиддий тайёргарлик кўришни режалаштиришган. Ўтган йилнинг декабрь ойидан қадимки машғулотларни пойтахтда ўтказган «Локомотив» эндиликда БАА яшил майдонларида тайёргарликни давом эттирмоқда. Қарийб бир ой давом этадиган машғулотлар доирасида МДХ ва Европа мамлакатларининг кучли клублари билан назорат-ўртоқлик учрашувларида куч синашишни режалаштирган «Локомотив» командаси жорий йил-

да фақат Ўзбекистон чемпиони бўлишни, Осиё чемпионлар лигаси турнирида муваффақиятли катнашишни мақсад қилиб қўйган. Жамоада трансфер ишлари ҳам қизгин кетмоқда. Ҳозиргача «Локомотив» сафига миллий терма жамоамиз аъзолари — Жасур Ҳасанов, Лутфулла Тўраев, моҳир дарвозабон Павел Бугало келиб қўшилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, жорий йилги мавсум янада қизиқарли кечади.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

лардан бериб туриш фақат ижобий натижасини намойён этади. Шифоли наъматак ўзида витаминларни сақлаши бўйича етакчи ўринда туради. Наъматак мевалари асосида дамламаларни ичиб туриш фақат беморлар учунгина эмас, балки соғлом кишилар учун ҳам фойдалан холи бўлмайди, у организмнинг ташқи таъсирларга нисбатан курашувчанлик қобилиятини оширади.

Тумов ва грипп билан оғриганларда суякликларга нисбатан талаб ошади. Шу сабабдан тумов ва гриппда шифоли шарабларни бериш айни муддао ҳисобланади. Бундан ташқари, беморнинг овқатланиши рационидан сут ва сут маҳсулотлари бўлиши алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бемор истеъмол этиладиган таомларнинг турфа кўринишдаги ошқўқлар билан зебланиши таомнинг хушхўрлигини оширибгина қолмай, балки дармон киритиши билан ҳам фойдалидир.

Жумладан, юқори нафас йўлларидаги шамоллаши, ангина, ларингит, фарингит, бронхит, зотилжам, грипп алоҳидаликда ёки муштараклигида бизда гоҳо тумов деб ҳам аталади. Шу туфайли ҳам тумовни енгил касаллик деб бўлмайди. Баъзан буларнинг замирида аллергик ринит ҳам ётади. Маълумки, бу хасталик бепарволикка қўйилса ноҳусус асоратлари билан беморни жабрлаб қўйиши мумкин. Шу боисдан ҳам тумов, шамоллаш тиббий амаллар билангина даволашни лозим.

Тумов, грипп ва умуман, шамоллаш билан боғлиқ хасталикларга илашмаслик учун киши ўзини чиқиртириб юриши, намгарчилик ва аёзли кунларда оёқ ҳамда бошни иссиқ тутишига тўғри келади. Бадантарбия билан шугулланиб, ҳаммом қабул қилиш кўп жихатдан тумовга нисбатан раддияловчи омил бўлиб хизмат қилади. Елвизак урмаслигига ҳам ҳаракат қилинг.

Маннон НАБИЕВ,
доришунос олим

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

2014 йил 4 февраль кун соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-йўда, бошлангич нархи босқичма-босқич охири бориш тартибидеда ўтказилаётган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Миробод туман СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган: 1. 2013 йил 22 июлдаги 27352/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 30 D 2070 бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 24 300 000 сўм. 2. 2010 йил 10 ноябрдаги 14144/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2005 йилда и/ч дав. бел. 30 Z 1501 бўлган «Range Rover» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 189 670 500 сўм.

2013 йил 21 январь кун соат 11:00 да бўлиб ўтаётган очик аукцион савдоларига қўйидаги мол-мулклар тақдирини қўйилмоқда:

I. Сергели туман СИБ томонидан: 1. 2012 йил 12 октябрдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ ховлисида сакланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 D 404 АА бўлган «Лада 11194-110-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 17 065 741 сўм. 2. 2012 йил 3 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман СИБ ховлисида сакланаётган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 30 N 488 DA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 16 908 269,90 сўм. 3. 2013 йил 2 июлдаги 1-397/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели туман ИИБ худудида сакланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 160 GCA бўлган «HOWO» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 112 621 733,16 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сакланаётган, 1. 2013 йил 14 апрелдаги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1997 йилда и/ч дав. бел. 10 F 2849 бўлган «Тико» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 7 661 503 сўм. 2. 2012 йил 8 октябрдаги 34263/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 B 321 BA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошлангич нархи 37 548 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон қилган кундан бошлаб ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтайтилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-йў. Тел: 250-83-29. Гўвоҳнома: 006388.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибидеда ўтказилаётган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога тақдирланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Давлат тест марказининг 03.01.2014 йилдаги 89-02-44-сонли буюртмасига асосан Давлат тест марказига тегишли, Тошкент шаҳри Богиниш кўчаси, 12-йў манзилида «Газ-310290» русумли, 1996 йилда и/ч, д/р 01-697LBA бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошлангич баҳоси — 5 585 372 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 24 январь кун соат 11:00дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушук). Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2014 йил 22 январь кун соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2014 йил 24 январь кун сотилмаган тақдирда, тақдирот савдо 2014 йил 31 январь ва 7 февраль кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш: 2014 йил 31 январьдаги савдолар учун 29 январь кун соат 18:00; 7 февралдаги савдолар учун 5 февраль кун соат 18:00 да тўхтайтилади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИББ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850 қўлга тулашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-йў. Тел: 228-79-52. www.mtm.uz. Гўвоҳнома №006231.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида янгидан ташкил этилган «Каналарни сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашда иштисослаштирилган бошқарма» қўйидаги ишталарга мутахассисларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Режа-иктисодиёт бўлими бошлиғи;
Иқтисодчи;
Ҳисобчи;
Ишчи ирригатор;
Ободонлаштириш ишчиси;
Канал назоратчиси;
Трейлер ҳайдовчилари;
Сачман ҳайдовчилари;
Автобус (ISUZU) ҳайдовчилари;
Автокўтарма (автовишка), автокран, занжирли ва гидроакли бульдозер машинистлари.

Ишга танлов асосида қабул қилинади. Маошлар шарт жадалли асосида белгиланади.

Мурожаат учун манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Темуралиев кўчаси, 3-А (собиқ 3-сон Трамвай-троллейбус депоси биноси) уй.

Телефонлар: +99890 994-71-72,
+99890 998-15-52



кундузи — 0-2 даража илқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 9 ва эрталаб 10 январда

Тошкент шаҳрида 9 январь кун ҳаво ўзгариб туради, ёнғинлар қўйилади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши эҳтимоли мавжуд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6 даража совуқ.

Тошкент шаҳри 10 январь кун ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилади. Атмосферанинг шиддатидан секундида 1-3 фоз пайсашини таъмин қилишмоқда, таъмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 156

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

Душанба, сешанба, chorshanba,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12877 нусхада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Тошириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета таъхирят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

Нашр учун масъул
Д. Исроил

Босишга тошириш вақти: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йў

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ